

ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 35 (6. 524)

1988 йил 12 февраль, жума

Баҳос 3 тийин

К П С С

Марказий Комитетда

КПСС Марказий Комитети «Меҳнат коллективлари ва ишлаб чиқариш илгорларининг КПСС XIX Бутуниттифок конференциясини муносиб кутиб олиш ташаббуси тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди. Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда совет кишиларининг меҳнат гайрати ва сиёсий фаоллиги ошганлиги, уларнинг қайта қуриш ишига ўз ҳиссасини қўшишга интилиши таъкидланади. Ушбу Оқшоми 70 йиллиги шарафига социалистик мусобақа давомида миллионлаб ишчи ва колхозчилар, саноат, агросаноат комплекси, қурилиш ва транспортнинг бригадалари, участкалари, цех ва фермалари, корхона ва ташкилотларнинг 200 мингдан ортиқ коллективлари қабул қилинган мажбуриятларини муваффақиятли урдаладилар, беш йилликнинг икки йили топиригини муддатидан барвақт адо этдилар. Туркменистон ва Қирғизистон, Мари ва Чувашия Автоном Республикаларининг, Олтой Ўлкасининг, Белгород, Калуга, Москва, бошқа областларнинг агросаноат комплекси ходимлари, нефть, газ, кўмир, химия ва нефть химияси саноатининг коллективлари асосий кўрсаткичлар юзасидан беш йилликнинг икки йили пландарини оширишга муваффақ бўдилар. Шу билан бирга ўтган йили кўпгина коллективлар план топириқларини, шартнома мажбуриятларини бажармаганликлари, ишлаб чиқариш самарадорлигини, махсулот сифатини ошириш, аҳоли талабларини қондириш учун мавжуд резервлардан тўла даражада фойдаланмаганликлари таъкидлаб ўтилди.

Партия ва халқ турмушида катта сиёсий ғолиба бўлган КПСС XIX Бутуниттифок конференциясига тайёргарлик, деб таъкидланади қарорда, меҳнатчиларнинг ўн иккинчи беш йиллик топириқларини муваффақиятли бажариш учун мусобақасида масъулиятли босқичга айланмоқда. Саноат, қурилиш, агросаноат комплекси, транспорт ва алоқа корхоналарининг хўжалик юритишининг янги шарафларига, тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи пўл билан таъминлашга янги ўтиши мусобақалаш ва ижодкорлигини ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Халқ хўжалиги турли тармоқларининг республикалар, ўлка ва областларнинг илгор коллективлари, ишлаб чиқариш новаторлари партия конференциясини меҳнатда янги ютуқлар билан кутиб олиш ҳақидаги ватанпарварлик ташаббуси билан қўйиб, оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Қўзбас, Донбасс ва Воркута шахтёрларининг энг яхши бригадаларини конференция очилишига кўмир қазиб чиқариш юзасидан беш йиллик уч йили топиригини бажаришга аҳд қилдилар. Тюмень нефтьчи ва газчилари шу санагача пландан ташқари нефть ва газ етказиб беришни таъминлашнинг кўзда тутмоқдалар.

Ленинград ва Иваново машинасозлари, Липецк металлургалари, Киров, Саратов ҳамда Череповец қимёгарлари, Горький, Иркутск ва Шарқий Қозоғистон областлари қурувчилари, Латвия ССР маиший хизмат ходимларининг коллективлари ўз мажбуриятларида меҳнат унвондорлигини ошириш, махсулот сифатини яхшилаш, хом ашё ва материал сарфини камайтириш, янги техника ва технологияни, ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштириш муддатларини қисқартириш, аҳолига хизматларни кўпайтириш юксак суръатларини кўзда тутмоқдалар. Ёнгил саноат ҳамда бошқа тармоқларнинг бир қанча коллективлари халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш юзасидан давлат буюртмаларини ўз вақтида ҳамда юқори сифатли қилиб бажариш мажбуриятини олдидар.

Белоруссия ССР, Кемерово, Курск, Киев, Полтава, Целиноград ҳамда бошқа областлар агросаноат комплексларининг илгор хўжаликлари меҳнатчилари интенсив технологияни, хўжалик ҳи-

соби, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг илгор формаларини кенг жорий этиш негизда чорвачилик махсулдорлигини оширишга, чорва қишлоқини муваффақиятли яқунлашга ҳамда қўламли экиш ишларини сифатли ўтказишга сўз бердилар.

Кўпгина меҳнат коллективлари уй-жой проблемасини ҳал этишга фаол қўшилдилар. Ана шу мақсадларда корхоналар ишлаб топган маблағлардан кенг фойдаланилмоқда, граждандарнинг шахсий жамғармалари хусусий ва кооператив уйлар қурилишига жалб этилмоқда. Бинокорлик материалларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун маҳаллий резервлар ва имкониятлар қидириб топилаётган. Мажбуриятларда уй-жойлар, маданий-маиший объектлар планга қўшимча равишда фойдаланишга топириқларини таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Партия Марказий Комитети КПСС XIX Бутуниттифок конференциясини муносиб кутиб олиш юзасидан ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилган меҳнат коллективлари, ишлаб чиқариш илгорлари ва новаторларининг ташаббуси совет кишиларининг сиёсий оғиллигидан, уларнинг қайта қуришнинг янги босқичида партиянинг социал-иқтисодий сиёсатини амалга оширишда конкрет, ижодий иштирокнинг яққол далили сифатида маъқулланиб, қўллаб-қувватлашга лойиқ, деб ҳисоблайди.

Иттифодхон республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларига, СССР министрликларига, ва идораларига, иттифодхон республикалар Министрлар Советларига, ВЛКСМ ҳамда ВЛКСМ Марказий Комитетига, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органларига меҳнат коллективларида партия конференциясини кутиб олиш юзасидан ватанпарварлик ҳаракатини бутун чоралар билан ривожлантириш борасида ташкилотчилик ҳамда оммавий агитация ишларини авж олдириб юбориш топириқли.

Бошлангич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунига тўла мувофиқ тарада туб иқтисодий ислохот, жамоат турмушини демократизлаштириш билан узвий боғлиқ ҳолда социалистик мусобақани тақомиллаштиришлари зарур. Қарорда мусобақани ривожлантириш, мажбуриятларни қабул қилиш масалаларини ихтиёрий негизда, кенг ошкоралик муҳитида меҳнат коллективларининг ўзлари ҳал қилишлари кераклиги таъкидланди. Корхоналар, цехлар, участка ва бригадалар коллективларини конкрет марраларга, эришишга, иқтисодий фаолиятнинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга, социал вазибаларни ҳал этишга қаратиш зарурлиги ўқтириб ўтилди.

Партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органлари КПСС XIX Бутуниттифок конференциясини шарафига социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарган коллективлар ва ишлаб чиқариш илгорларини тантанали вазиюлда шарафлаш маросимларини уюштиришлари лозим. Уларни рағбатлантириш учун министрликлар ва идораларга, тармоқ касаба союзлари марказий комитетларига ўн иккинчи беш йиллик Бутуниттифок социалистик мусобақаси шартларида кўзда тутилган маънавий ва моддий рағбатлантириш тадбирларидан кенг фойдаланиш тавсия этилди.

СССР Телевидение ва радиозастириш давлат комитети, марказий, тармоқ ва маҳаллий газеталарнинг редакциялари мусобақанинг бо-ришини, план ва мажбуриятлар бажарилиши ажуришлар мунтазам суратда нағзия-ларга, эришиш учун ички резервлардан фойдаланиш ҳоҳасидаги илгор тажрибани ёрқин ва тошнарли қилиб кўрсатиб туришлари зарур.



Тонгги газеталарда

© КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг ЎБПМ Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР ташқи ишлар министри М. Ожиковсини билан учрашуви ҳақида расмий хабар эълон қилинган.

БУГУН ТОШКЕНТДА ЯҒОНА СИЁСИЙ КУН БЎЛИБ УТМОҚДА

Уларда Ўзбекистон Компартиясини Марказий Комитети IX пленуми қарорларидан келиб чиқадиган, социал-иқтисодий ривожланишни яққоллаштириш ва қайта қуриш билан боғлиқ вазибалар юзасидан суҳбатлар бўляпти.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти пропагандаллашларининг тўрт гуруҳи республика бўйлаб сафарга жўнаб кетди. Лекторлар саноат корхоналарида, қурилишларда, колхоз ва совхозларда меҳнат коллективлари билан учрашадилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети-

нинг IX пленуми қарорларига, уларни амалга ошириш йўлларида бағишланган лекция ва суҳбатларга қўшади.

Группалар составига иқтисодчилар, социологлар, жамиятшунослар, тарихчилар кирган. Улар иқтисодий ва социал проблемаларни ҳал этиш борасида белгиланган

тадбирлар ҳақида гапириб берадилар. Бунда туб иқтисодий ислохотни амалга ошириш йўлларида катта эътибор бериллади.

Област идеология активлари билан учрашувлар бўлиб ўтади.

(ЎЗАТ).

Мулоқотга марҳамат!

15 февраль кунни соат 17 дан соат 19 га қадар «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг жамоатчилик редакциясида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раҳбарларининг шаҳар аҳолиси билан телефон орқали навбатдаги сиртқи учрашуви ўтказилди.

Телефон орқали бўладиган бу жонли мулоқот Тошкент шаҳар Советининг бўлажак IV сессиясига бағишланган. Маълумки, Тошкент шаҳрининг 2000 йилгача мўлжалланган комплекс уй-жой программасини амалга ошириш юзасидан шаҳар халқ депутатлари Советларининг вазибалари тўғрисидаги масала ана шу сессия муҳокамасига қўйилди. Шу хусусатда «Тошкент» газеталари хабарларида шу йил 8 февралда эълон қилинди.

Уй-жой проблемаларини ҳал этиш масалаларини жалдлаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш, бу ишда иштирок этиш хоҳишини билдирган, ана шу проблема бўйича саволлар беришни истаган ўртоқлар шу кунни 33-99-42 ва 32-53-66 телефонлари орқали қўнғироқ қилишлари мумкин.



Алло, редакциями?

Телефон орқали бўладиган мулоқотда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Мирсаидов, унинг биринчи ўринбосари Э. А. Ризаев, ўринбосарлари Л. А. Костин, К. Н. Тўлагановлар иштирок этишади. Агар бордию бирор сабаб билан 15 февраль кунни белгиланган вақт ичида қўнғироқ қилиш имкониятининг бўлмагани, сиз ўз саволларинингиз 24 февраль кунни соат 20 дан 30 минут ўтганда 41-01-62 телефонлари орқали ҳам беришингиз мумкин. Шу кунни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раҳбарларининг шаҳар аҳолиси билан Тошкент телевидениеси орқали мулоқоти ўтказилди.

Яна бир бор эслатиб ўтаемиз: «Оқшом» газеталари редакциясидаги навбатдаги сиртқи учрашув ёки телефон орқали бўладиган бевосита мулоқот шу йил 15 февраль кунни соат 17 дан 19 гача ўтказилди. Бизнинг телефонлариниз: 33-99-42 ва 32-53-66.

ТУРМУШДА ИНФОРМАТИКА КЎРГАЗМАСИ

Бугун Тошкентга Америка Қўшма Штатларининг кўргазма экспонатлари жойлаштирилган контейнерлар келтирилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида «АҚШ: турмушда информатика» кўргазмасини намоиш этиш юзасидан тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Бу

кўргазманинг директори Ричард Сиб келгуси ҳафтада Тошкентга келиб, ўз ишини бошлайди.

1700 квадрат метр сахна майдонда намоиш этиладиган бу кўргазмани Ўзбекистон ССР Савдо-саноат палатаси ва АҚШнинг «КОСА» агентлиги ташкил этмоқдалар.

А. ПУЛАТОВ.

АХБОРОТ

Пешқадамлар сафида

4-қурилиш трестининг 19-қурилиш бошқармасига қарашли А. Юсуфов етакчилиги қилаётган комплекс бригада қурувчилари Юнусов мас-санида 32 квартиралар янги турар жой биносини ишга тушириш ара-фасида туришмоқда.

Бригада аъзолари кунлик топи-риқни 125 процентга адо этиша-пти. Бунга аввало коллективнинг барча 24 қурувчиси турдош касблар, ни яхши ўзлаштириб олгани, брига-

да пудрати асосида ишлаётгани туфайли эришишмоқда. Айни пайтда улар Бутуниттифок XIX партия кон-ференциясини шарафига ўзаро меҳнат беллашувини авж олдириб ишлаш-моқда.

Коллективда меҳнат беллашуви ажурилари ҳар ўн кунда чиқарилиб турибди. А. Лазовай, К. Трафимчук, С. Реймов сингари қурувчилар до-имо пешқадамлар сафида бўлишмоқда.

Б. ЭРГАШЕВА.

Янги цех

Хейинги йилларда Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида бир неча муҳим технологик жа-раёнлар амалга оширилди. Шунинг-дек, янги участкалар ишга тушди. Бунда, шубҳасиз турдош корхона-ларда орттирилган бой тақриблар ҳам қўл келди.

Шу ўринда корхонанинг РСФСР-даги СССР 50 йиллиги номи Ива-новск дастгоҳсозлиги ишлаб чиқариш би-рлашмаси билан яқин ҳамкор-

лигини айтиб ўтиш жоиздир. Бир-лашма коллективининг илгор иш тақриблари тошкентлик машина-созлар эътиборини ўзига тортиди.

Ана шу бой усуллар, асосида за-водда дастгоҳсозлик цехини қуриш кўзда тутилди. Бу муҳим тадбир тў-ла амалга оширилгач, корхонани зарур жиҳозлар билан ўз вақтида таъминлаш учун мустақим база яратилди.

© ХУШБАҲАРЛАР
© ВОКЕЛАЛАР
© ХУШБАҲАРЛАР
© ЯНГИЛИКЛАР

Тежамкорлар

Тошкент тепловоз депоси маши-нистлари тежамкорликка алоҳида аҳамият бериб ишламоқдалар. Ген-надий Федорович Шмарин бошчи-лик қиладиган 1-коллона, айниқса, бу борада алоҳида гайрат-шижоат кўрсатапти. Улар пассажир поезд-ларини бошқариш жараёнида ди-зель ёнгилсини тежаб ишлатишни ўларнинг асосий мақсадларига ай-лантиришган.

Бунинг эвазига йилнинг охирида иқтисод қилинган ёнгил ҳисобига бир кун ишлаш имконияти юзга ке-

лади. Д. Тошмуротов ва Г. Иботулин сингари тақрибали машинистлар ўтган йили тежамкорликда рекорд натижага эришишганди. Уларнинг ҳар бири 4-5 тонна ёнгилсини те-жашга муваффақ бўлишди. Тежам-кор машинасозлар бу йил ҳам та-шаббусдорлигини кўндалан бой бериш-маляпти. Уларнинг шу вақтгача те-жасаган дизель ёнгилсини ҳисобига учта пассажир поезди 450 километр-лик масофага бориб келиши мум-кин.

М. ҲАКИМОВ.

«Диалог» ёшлар маскани

«Қозоғистон» кинотеатри ҳузури-да ташкил топган «Диалог» клуби қизгин фаолият олиб бормоқда. Мазкур клуб ёшларнинг сеvimли мас-канига айланиб қолди. Ушунтирла-ётган турли кўриқлар ҳам қўнғилик-да қизқиш ўйғотмоқда. Вадий, ҳужжатли-хроникаль фильмлар ҳа-қида кўрик-муҳоамалар ўтказилиб, яхши фикр-мулоҳазалар билдирил-ляпти.

«Соглом турмуш тарзи» мавзуси-га бағишланган клуб йиллиги ҳам

жузда жонли бўлди. Унга Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш ва Ўзбекис-тон ССР Маориф министрликлари-дан мутахассислар, врач-наркологи-лар тақифи этилди. Шундан сўн «Лабиринт», «Қопқон» фильмлари намоиш қилинди.

«Диалог» йўли билан уюштирила-ётган бундай тадбирлар ўзининг тарбиявий аҳамияти билан диққат-га сазовор бўлмоқда.

С. ОДИЛОВА.

Эл хизматида эллик йил

Давримизнинг бир доно кишини билан инсон қадри, меҳ-нат нафъаси, ҳар бир касб-кор эътиборини ҳаётдаги ўрни ҳақида баҳслашиб ўтирардик. Ақл заҳми ҳамсўхбатини шундай бир гап айтди:

— Дунёда касб-хунарининг ҳеч ёмон бўлмайдми. Ким қайси касбин севиб, уни ихлос билан бажарса, бахт топа-ди... Биласиз-ку, ҳуна одамни эмас, одам ҳунарни улуг-лайди. Зеро, ҳар қандай ҳунарни ҳам инсон ўзи яратиб қўйибди.

Дилдан айтилган шу ҳақ гапларни ўйлаб, инсоннинг ҳаётдаги ўрини, жонкаш-жафокашлигини, унинг қадр-қиммати-ю, меҳнатдан бир бурда азиз нонини ҳалоллик билан топиб: «Мен бахтлиман» деб юрган софил одам-ларни кўз ўнгимдан ўтказаман. Шунда оддий касб соҳиб-и Қодир ота Боймоновнинг йўл юришини, йўл юрса ҳам мўл юришини, эшикма-эшик хушбабарлар улашинини эслай-ман.

Кўз ўнгимда яна Тахтапул даҳаси жонланди. Бу даҳа-нинг нимаси кўп: майдонлари, тор кўчалари, кенг кўчалари, уй-хонадонлари, меҳнаткаш кишилари кўп. Шу даҳадаги етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган кишиларнинг ҳаммаси Қодир отани танишади.

Қодир ота субҳидамдан, то оқшом — қош қорайгун-ча йўл босади, эшикма-эшик хат-хабарлар, журнал-газета-лар, ҳар хил қувончли хабарлар тарқатади. Отаҳон эллик йилдирки, алоқа ходимининг оғир сумкасини елкага осиб, ҳар бир хонадонга янгиликлар олиб киради. Шу йиллар мобайнида Қодир ота Тахтапул даҳасини минглаб марта пиеда кезиб чиққанини километрларга ҳисоблаб қўш-сақ, у босган йўл Ер шарининг айланма узунлигига: неча марта белбоғ бўлиши мумкин! Бунинг хомчўт қилишга элек-трон ҳисоблаш машиналари керак.

Алоқа ходимининг фидойиси Қодир ота Боймонов етмиш ёшга тўлган бўлса-да, ҳамон Тарновбоши маҳалласидаги 19-алоқа бўлимида тетик-бардам ишлаб келипти: Отаҳон-нинг юзларини ажин босган бўлса ҳам, завоқли меҳнати унинг чехраларидан нур таратади.

Мен Қодир отадан биргина савол сўрадим: — Касбингизни севиб, қийналмай бажарасизми? — Қийналмай бажараман, шундай бахтли замонда ки-шиларга хушбабарлар улашганидан бахтлиман, — деди отаҳон.

Даҳада яшовчилар бу отаҳонни «Хушбабар элчиси» деб эъзозлашади. Кўпчилик айтган бу иборда ҳикмат бор. Яхши одамлар чиндан ҳам дилларора элчи бўладилар.


Ўқилган РАСУЛБЕК.

СУРАТДА: Қодир ота Боймонов Неварлари билан.

Т. Каримов фотоси.

© Фидокор алқа ходими ҳақидаги лаҳавани газетамизнинг 2-саҳифасида ўқийсиз.





Мавжуд битимга мувофиқ Ю. А. Гагарин номидаги Космонавтилар тайёролаш марказида биргаликдаги совет—болгар космик парвозига тайёргарлик кўришмоқда.
СУРАТДА: 1-кипак — (чапдан ўнгга) бортинженер СССР космонавт-учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Виктор Савиних, экипаж командири Анатолий Соловьев ва тадқиқотчи-космонавт БХР граждани Александр Александров. А. Пушкарёв фотоси, ТАСС фотохроникаси.

Тошкент — Пекин: кутубхоналар дўстлиги

Хитой Халқ Республикасида Алишер Навоий номидаги ўзбекистон ССР давлат кутубхонасига кўплаб китоблар келди. Улар орасида илмий-сиёсий нашрлар, санъатга, касб-хўрақ одобида доир китоблар бор. ХХР Илмий-оммавий фанлар академиясининг бош кутубхонаси билан ўзбекистон пойтахтининг асосий кутубхонаси ўртасида тузилган икки томонлама дўстлик шартномаси амалга ошириш борасида ана шундай дастлабки қадамлар қилинди.

Тошкентлик мутахассислар тақлиф этган шундай шартномани тузиш гоёсини амалга оширишда Хитой Илмий-оммавий фанлар академиясининг ходими Пан Цзюнь Шэн ёрдам берди. У ўрта Осиё халқлари билан Хитой маданиятларининг алоқалари тўғрисидаги китоби учун материаллар йиғиб, Навоий номидаги кутубхонада кўп

вақт ишлади. Олим ватанига қайтиб боради, амалий алоқалар ўрнатилган кутубхоналарини топи.

Хамдўстлик тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантиришга аниқгина ҳисса қўшади, — деди Алишер Навоий номидаги кутубхона чет эл адабиёт бўлимининг муҳри К. Р. Ҳасанов. Ҳозир республикада бир ярим мингта яқин киши хитой тилида гапирди ва ўқийди. Булар Шарқшунослик институтининг мутахассислари, Тошкент Давлат университетида яқинда очилган хитой тилини ўргатиш икки йиллик курс студентлари, ихтисослаштирилган мактабларнинг ўқувчилари. ХХРдан олинган китоблар бу кишиларнинг шу мамлакат тили ва маданияти бўйича билимларини кенгайтиради.

Оддий, қулай, фойдали

«Узгроорттехстрой» трест мутахассислари монолит уйлар қурилишида дераза, ромлар, ўрнатишга керакдиган меҳнат сарфини уч баравар қисқартирди.

Керамзитбетондан уй-жой қурилишида ишчилар ҳали-ҳалигача дераза ва ромларни ўрнатиш учун кўп оғирлик билан бўлишарди. Янги усул эса оддий ва технология жиҳатидан қулай. Опалубка тўсиқлари ўртасида — керакли

ерда тайёр дераза роми ёки аниқ ўрнатилади. Сўнг кераклилар орасига керамзитбетон қуйилади. Бироз ўтгач, опалубкани олиб ташлаш мумкин.

Қишлоқ бинокорлари янги технологияни жорий этиш натижасида ҳар йили 86 минг сўмдан кўпроқ пулни тежаб қолиш имконига эга бўлишарди.

(ЎзТАГ).

Хамма соҳада бўлганидек, адабиётнинг ҳам ўз обивателлари бор. Улар таҳминан бундай фикр юратадилар: «Фалончи шоир бўлмагани учун танқидчи бўлди. Фистончи ёзувчиларни эпизодлар, шундан кейин ўзини таржимага уриб кетди». Наҳора, обиватель бу билан бир томондан ўзини доно қилиб кўрсатгисин келса, иккинчи томондан ўзгаларнинг ютуғидан «камчилик топиб» ўзини юатади. Ҳолбуки, танқидчи, лирикчи ҳам, таржимачиликнинг ҳам ўз шорлари, ўз адиблари бор. Менга қолса, боғли обивательларча фикрлашга мутлақо тескари жавоб берган бўлардим. Масалан, Иброҳим Ғафуров, мабодо, танқидчи бўлмаганида, албатта шоир бўлар эди. Яхши шоир бўлар эди. Негаки, унинг шеърятга ҳақдор тадқиқотларининг ўзи шорона оҳангга тўлиқ. Мабода у таржима билан шугулланганда шубҳасиз прозаик бўларди. Яхши адиб бўларди. Негаки, Иброҳим Ғафуров бир вақтлар бақувват ҳикоялар ёзган. Қолаверса, тайёи улкан адибларни ўзбек тилида шу қадар «ўзбекча» га-пиртирганки, бунча юмушни фақат янакам истеъдодли прозаик ундай олади. Йўқ, таржимон ўша сўзларни, ўша ибораларни «русча» — ўзбекча лугатдан излаб топган эмас, улар таржимон адибнинг ўз арсеналида бор. Бунча иборалар, жумла-лар лугатдан топилаётган. Улар қаламқаш қалбидан отилиб чиқиб кетган!

Икки оғиз сўз И. Ғафуровнинг мунаққидлик фаолияти ҳақида. Мана, ўттиз йилдики, у адабиётда (шеърятда) бўлсин, прозада бўлсин) йил этган истеъдод пайдо бўлиши билан дарҳол илгаб олади. Илгаб олиш — фақат тушуниш, дегани эмас, эҳтимол, биринчи навбатда ҳис этиш дегани бўлса керак. Бадиий адабиёт — фақат фан эмас, санъат ҳам ҳисобланади. Эҳтимол у энг аввало санъатдор. Негаки, ҳақиқий шеър ва дoston, чинакам ҳикоя ва ром аввало китобхона қалбига туйғуларида тасвир қилиди ва шу орқали фикрнинг бо-йитида. Бадиий асар китобхонанинг ақлини пешлаш учунгина ёзилмайди. Одам фалса-фа фанини чуқур ўрганиб ҳам ақлини бо-йитиш мумкин. Бадиий асарнинг қуввати — аввало унинг эмоционал тасвирлари. Бинобарин, ҳақиқий таъкидчи бадиий асар-ни фақат рационал эмас, эмоционал тасвир нуқтаи назаридан ҳам анализ қилади. Бу

Сандов каби истеъдодли қаламқашларнинг ижодида зийраклик билан муносабатда бў-лади. Уларнинг ўзига хос жиҳатларини, из-ланишдаги ютуқларини меҳр билан, қувониб анализ қилади. Уларнинг изланишларидаги камчиликларни чуқур илмий анализ билан очиб бераётганда ҳам меҳри сезилмоқ ту-ради. Бу ўринда табиий савол туғилиши мумкин: ажаб, камчилик ҳақида ҳам меҳр билан гапириб бўладими? Бўлади! Агар танқидчи адиб ёки шоирни чин дилдан ях-ши кўрса, энг муҳими адабиётга меҳри кучли бўлса қаламқашлар ижодидаги кам-чиликни ҳузур билан «фос этмайди». Май-

ТАНҚИДНИНГ ШОИРИ

Демак, мунаққид ўттиз йил мобайнида ки-тобхон учун айтмоқчи бўлган, қалбига йи-ғилиб қолган сўзларни, дард ва туйғулар-ни биз билан ўртоқлашмоқчи.

Тўпламини ўқиган китобхон (фақат мута-хассислар эмас, кенг китобхонлар оммаси) аввало муаллиф дилларининг кенглигига, туйғулари билан бўлишига имон келтирарди. Ҳазрат Алишер Навоийдан тортиб Абдул-ла Қодирийгача, Ойбекдан тортиб Сирожи-дин Сандовгача бўлган улкан масофа замон ва макон орасидаги ижодкорларнинг ўзига хос нуқтауларини (қўлига ўзгалар пайқа-маган нуқтауларини) калф этарди. Уларни эстетик принцип призмасидан ўтказарди. Гоҳ мақтов эшитиб, гоҳ танқид «таъғини» еб суяги қотган ва ниҳоят эл эътирофига сазовор бўлган қаламқашларку ўш йўлга. Улар олиқшига ҳам, «сўкишга» ҳам вақти келиб, ҳийла хотиржамроқ қарашга қўни-кади. (Шунда ҳам барбироқ ижодкор одам эмоционал бўлади, бир оғиз ноҳақ сўз ту-файли қаттиқ эътироз кечкиши мумкин). Аммо катта адабиётга энди кириб келган адиб кириб келаятган ижодкорнинг қалби аниқсиз, тасвирчан — шудринг каби муса-ффо, шудринг каби нозик бўлади. Мана шун-ди ҳис этиш (айнан ҳис этган) мунаққид М. Солих, Х. Даврон, Ш. Раҳмон, У. Ази-мов, Э. Аъзамов, М. Дўст, О. Отахонов, С.

Тўғри, у махсус мато таянмаслиги, янги бичим изламаслиги мумкин. Негаки у тай-ёр кийим билан шугулланади. Бироқ у тай-ёр бошқа бир тикувчи яратган тайёр кийимни авра-астарини ағдариб қайтадан тикади. Лекин бу кийимнинг матоси ҳам, ранги ҳам, бичими ҳам ўзгармаслиги, устга-устак кийим аввалги нусхасидан — оригиналидан ҳеч нимаси билан қўшимаслиги, эҳтимол, ундан кўра яхшироқ, чиройлироқ бўлиши керак. Бу — ниҳоятда мушкул, юракни си-қадиған, чинакам ижодий ёндошуви талаб қиладиган оғир меҳнат. Э. Хемингуэйнинг «Чол ва денгиз», «Алвидо қурол», Мопс-саннын «Азизим», В. Распутиннинг «Ен-гин» асарлари — борингки бундайроқ тар-жимон томонидан ҳам ўзбекчалаштирилиши мумкин бўлган китоблар. Аммо Достоев-скийнинг «Идиот ва жазо», «Телба», Ч. Айтматовнинг «Қунда» романини жуда мураккаб асарлар.

Айтилйик, «Қунда»даги Авдий психоло-гияси, хор ижроси пайтидаги жуда нозик тасвир таржимаси учун сўз топиш осон эмас. Дарвоқе, «Қунда» романини мамла-катимиздаги қардош халқлар орасида ўзбек китобхона биринчи бўлиб она тилида ўқи-ди. (Ҳатто қирғизча таржимаси ҳам ҳали тўла эшлон қилинган йўқ). Жадаллашти-риш шоян-шоян асар ёзиш эмас, энг яхши асарни зудлик билан китобхонга етказмоқ демакдир. «Шарқ юлдузи» журналга ке-лаётган хатларнинг қўлида, аввало шундай асарни яратган Ч. Айтматовга, қолаверса, уни ўзбек тилига тез ва маҳорат билан ўтирган таржимонга миннатдорчилик билан-рибелатгани бежиз эмас. Ч. Айтматовнинг ўзи ҳам журналга ёзган хатига «Таржимон И. Ғафуровга раҳмат!» деб алоҳида таъ-кидлаган.

Олим ва мунаққид деймизми, таржимон деймизми И. Ғафуров аввало ижодкор, санъаткор. Мана шу хусусият унинг тадқи-қот ва мақолаларида ҳам таржимасида се-зилиб туради. Ўттиз йиллик муттасил изла-нишларида, изланишлари бўлибди камчилик ва фазилатларида, энг муҳими эзгулик учун, адабиётимиз равақати учун хизматларида асаб этарди. Ўйлаيمانки, олим ва ижодкор бу йўлда забот этган марралари билан че-клиниб қолмайди. Ҳали йўл олс. Шу йўлда дўстимга сабот ва омад тилайман!

Ўттир ҲОШИМОВ.

Фан ва техника янгиликлари

Ультратовуш ёрдам беради

Асорат қолдирмайди

Операция қилинётган бе-морнинг аҳолини қандай қи-либ осон ва ортиқча ташвиш-сиз қузатиш мумкин? Унинг юрак фаолиятини қандай куза-тиб турса бўлади? Америка-лик олимлар бунда ультрато-вуш ёрдам бериши мумкин деб ҳисоблашади. Бунинг учун бемор операция олдидан, зондани ютиб юбориши ло-зим. Ана шу зонд сигналла-ри асосида «Экзюком» прибо-рининг микро-процессори юрак бир торейиб-кенгайишда қанча қон ҳайдаётганини ҳисоблаб боради. Бундай ич-дан туриб кузатув кўрсатиш-лари аҳолининг оғирлашаёт-ганлиги ҳақида шошилиш ҳа-бар топиш имконини беради.

«Эксель-1800»

Яқинда ўз ишини тутатган «Касалхона-88» халқаро виставкасида америкалик мута-хассислар яратган «Эксель-1800» компьютерни томограф катте шов-шувга сабаб бўлди. Илгари шу хилдаги қурilmalar организм қаърига назар таш-лаш, тўқималар тузилишини кўздан кечириш имконини бе-рар эди. Фақат бунда тасвир япсаки ҳолда бўлар эди. Энди-ликда эса ички организмнинг ҳажмли тасвирини дисплей эк-раниде кузатиш мумкин. Ма-шини япсаки манзарани қайта ишлаб, организмнинг ҳаётин манзарасини намоён этади. Агар зарурат бўлса, ана шу тасвирни тескари томондан ҳам кузатиш мумкин.

Тошкент оқшоми • 3-бет.

Инвалид ва пенсияерларга қулайлик

Хўрматли редакция! Улуг Ватан уруши инвалидлари-ни, пенсионер ва қария-ларни дори-дармонлар бил-лан таъминлашда қандай қулайликлар бор? Шулар ҳақида мутахассис маълу-мотини беришингизни сў-райми.

Х. ЖАЛИЛОВ,
И. МУҲАМЕДОВ,
Улуг Ватан уруши ва
меҳнат ветеранлари.

Партия ва ҳукуматимиз ин-сон саломатлигини муҳофа-за қилиш борасида чексиз ғам-хўрликлар кўрсатиб келмоқда. Айниқса, Улуг Ватан уруши инвалидлари ва иштирокчи-ларига дори-дармонлар бериш борасидаги ҳизматини яхшилашга эътибор — йилдан-йилга кучайтирилмоқда. Ви-ринчи ва иккинчи гурупе ин-валидларига дори-дармонлар бериш борасидаги ҳизматини яхшилашга эътибор — йилдан-йилга кучайтирилмоқда. Ви-ринчи ва иккинчи гурупе ин-валидларига зарур бўлиб қол-ганда дори-дармонлар уйлари-га етказиб берилади. Яқин-да дори-дармонлар хизмати бўй-ича яна бир имтиёз яратилди.

СССР Солиқини сақлаш министрига буйруғига му-вофиқ, қарилки бўйича минимал нафана олувчи қар-бий хизматчи, пенсионерлар, ишчилар, хизматчилар ва кол-хозчилар, инвалид ёки бонув-чисини йўқотган инвалидлар амбулатория шарафотида дори-лар нархининг 50 процентини тўлайдилар. Яқин кунлартача улар дориларни тўла нархда харид қилишар эди. Ана шу тоифадаги кишилар дори пре-паратлардан ташқари, доривор-гилар, тиббий ангиномлари ҳам рецепт асосида 50 процент нархда сотиб олиш ҳуқуқи-га эгадирлар. Рецепт икки нус-хада бўлиб, унда даволувчи врачнинг имзоси, шахсий муҳ-ри, даволаш муассасасининг муҳри ҳам бўлиши керак. Дори-дармонлар махсус ре-септ бўйича дори олаётганда пен-сионерлар нафана ҳужжати-ни кўрсатишади. Хужжатини охириги бетига: «Дориларни 50 процент нархда сотиб олиш ҳуқуқи» ага» деган ёзув бў-лиши шарт. Бу ёзувни нафана ҳужжати берадиган ташки-лот раҳбари имзоси ва муҳр билан тасдиқлаш керак.

Квартира ва коммунал хизмат ҳақи

Хўрматли редакция! Квартира ва коммунал хизмат-лар ҳақини тўлаш тартиби ва ушбу хизматлар юза-си-дан бериладиган имтиёзлар ҳақида газетда мутахас-сис маслаҳат берила аниқ мўддо бўларди.

К. НАЗАРОВ, Б. КАРИМОВ, ишчи ва хизматчилар.

Коммунал хизматлар (сув таъминоти, газ, электр ва иссиқлик энергияси) учун тўланадиган ҳақ белгиланган тартибда тасдиқланган та-рифлар бўйича квартиран ҳа-қидан ташқари олинади.

Квартира ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш тартиби ва ушбу хизматлар юза-си-дан бериладиган имтиёзлар ҳақида газетда мутахас-сис маслаҳат берила аниқ мўддо бўларди.

К. НАЗАРОВ, Б. КАРИМОВ, ишчи ва хизматчилар.

Пукма

Қачонгача?

«Санъат» буюмлари ма-газинидаги товарларга бўл-ган талаб йил сайин ортиб бормоқда. Айниқса, респу-бликамиз халқ театрлари, ма-даният уйлари хизматчи-лари уларни севиб харид қи-лишади. Яқинда бу магазин-дан Кони-мех, Марҳамат, Навбахор районларининг маданият бўлимлари кўплаб қолғу асбоблари сотиб олди-лар.

Ҳозирги пайтда эстрада ансамбллари кўпаймоқда. Айниқса, ёшларимиз эстра-да куй-қўшиқларига ишқи-боз. Лекин, бу ердан ана шундай музика асбобларини топиш мушкул.

Харидорларга бундай товарларни «йўқ» дея жавоб қайтариш жонингизга тегди. Ахир қачонгача уларни ал-даш мумкин? — дейди ма-газин директори Рауф Ҳаки-мов.

Дарҳақиқат, эстрада мух-лислари қачонгача қолғу ас-боблари қидиришиб, сарсон бўлишади?

Э. ҚАЮМОВ.

М. МИРЗАШАРИПОВ, инспектор-провизор.

Э. ҚАЮМОВ.


Асорат

қолдирмайди

«Сименс» фирмасининг (Германия Федератив Респу-бликаси) «Дигитрон-3» аппара-ти томилар тасвирини суяк ва тўқималар «изидан» холи ҳолда кўриш имконини бера-ди. Машина беморнинг олди-нига тадқиқотлар бошланган-дан аввалги, сўнгга контраст модаде киритилгандан кейин-ги рентген суратларини хо-ти-расида сақлаб қолади ва улар-ни бири-бири билан таққолай-ди.

Эндоскоп даволайди

Германия Федератив Рес-публикасининг «Карл Шторц» фирмаси мутахассислари эн-доскопик техникани қўллани-шини янгидан-янги соҳаларни топишарди. Жумладан, тери орқали ичкарига киритилган ультратовуш таратувчи асбоб буйрақдаги тошларни емири-ши мумкин. Асосий бўйимлар-даги хасталикларни аниқлаш ва уларни даволаш имконини берувчи эндоскоплар яратил-ган. Илгари ана шу мақсадлар



Сабот билан 14 соат со-
вукда навбат кутган тур-
нинг канадалик қишқи
Олимпиаданинг энг қизқар-
ли мусобақаларининг ҳамда
Қишқи ўйинларнинг очили-
ши ва ёпилиши маросимла-
рининг томоша қилиш ҳуқу-
қини берувчи сўнгги билет-
ларнинг бахтли эгаси бўлди.

На изгирин, на бошқа са-
баблар шаҳарни Олимпиада
ўйинларига тайёрлашга ҳа-
лақит беролмади. Эртага
бу ерда очиладиган Қишқи
ўйинларга ҳамма нарсаси
тахт.

СУРАТЛАРДА: ўнгда —
бобслейчилар баҳс олиб бо-
радиган трассада; чапда —
88-йилги Қишқи ўйинлар-
нинг бош Олимпиада қиш-
лоқчаси. Бу ерда 2000
спортчи истиқомат қилади.

Лехтикув — ТАСС фотолари.



теварагида

Оқ Олимпиада-88нинг та-
нали очилиш маросими и
(бу маросим икки соат давом
этади) қор устида э эмас
ок) қум устида ўти-
Уйинларнинг ташкилотчилари
ташиб келтирилди қор қор-
нибсатан қум ишончлироқ оқ де-
ган фикрга келиб, шундай йи-
корор қабул қилинди.

Бундан ташқари, уларнинг
фигурка қарганда, бунундай
«қўз чалғитиш» телевидение-
га янада сифатлироқ кўрсат-
тувлар олиб бориш имконини
беради. Чунки, экранда 1 қум
қорға нисбатан яхшироқ қ кў-
ринар эмиш.

Оқ Олимпиада 1,9 м миллион
томошабин кузатишни
мўлжалламоқда. Калгаларин-
нинг аҳолиси эса... бундан ан уч
баравар кам.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБЕКОВ.

Хушёрлик—
ҳаётимиз тарзи

ЮЗ-ХОТИР ҚИЛМАЙ

Сўнгги ичкиликбозлик
фрезерчи И. Зокпрова жу-
да қимматга — деярли беш
юз сўмга тушди. Б. П. Ча-
лов номли Тошкент авиа-
ция ишлаб чиқариш бир-
лашмасининг 94-дехи каса-
ба союз комитети унинг
хушёрхонага тушиб қолган-
лиги ҳақидаги қозонни олиб,
муҳокама қилган, бундай
номаъмул хатти-ҳаракати
учун ишнинг йил якун-
лари юзасидан бериладиган
муқофотдан маҳрум этиш-
га қарор берди. Масъул
жамоат тартибни бузган-
лиги учун қорхона ишчилари-
дан тўрт киши ўтган йи-
ли касаба союз аъзоли-
гидан чиқарилган эди.

Бирлашма касаба союз
комитети КПСС Марказий
Комитетининг махшур қаро-
ри чиққанидан сўнг ичкилик-
бозлик ва алкоголизмга
қарши кураш билан илгир-
лик қилдирилди. Барча
ишчи бўлимларида хушёр
турмуш тарзи учун кураш
қўйилган жамиятининг бош-
ланғич ташкилотлари тузи-
либ, унинг атрофида 4 минг-
дан ортиқ киши бирлашди.
Худди шу ернинг ўзида
наркологию постлар ҳам
ташқил этилди. Ўтган йили
запод наркологию шифохо-
насида спиртли ичимликка
руж қўйган 300 киши да-
воланди.

Биз хушёр турмуш
тарзи учун кураш олиб бо-
риш юзасидан комплекс
программа ишлаб чиқдик,
— дейди бирлашма касаба
союз комитети раисининг
ўринбосари Р. Абдураззо-
қов ЎзТАГ муҳбирига. —
Мазкур программга ал-
коголизмга қарши ташви-
рот олиб бориш ҳам, нормал
турмуш шароитларини яра-
тиш ҳам, меҳнатқашларнинг
қизқарли дам олиши ҳам
киририлган. Қўрилган қор-
тадбирлар тўғрисида ўтган
йили хушёрхонага тушган
хотимларнинг сони икки
баравар камайди, иш ўйин-
ларида бирор марта ҳам
кайф билан ишлаган хо-
дмлар бўлмади.

Қилинадиган ишлар кўп.
Авансозларнинг катта ко-
лективи қаерда дам олиши,
қаерда ўз соғлигини тикла-
ши ҳақида ҳам ўйлаб қўриш
керак. Хушёрлик зона-
си, деб эълон қилинган пан-
сионатлар ишчиларнинг
фвол иштирокида ободон-
лаштирилмоқда. 12 қаватли
профилакторийда ҳар йили
коллективнинг юзлаб аъ-
золари тузда даволанмоқда-
лар.

Бу—қизик

Қуялар... синовдан ўтказилади

Тўқимачилик буюмлари-
нинг ашаддий душмани
— қуя махсус қўлайтирила-
диган жаҳонда ягона фирма
Англиянинг Брэдфорд шаҳ-
рида жойлашган. Ойилар-
га, аниқроғи уларнинг буюм-
ларига жуда кўп кўнгилсиз-
ликлар келтирувчи ана шу
зарарли майда капалаклар
нима учун керак бўлиб қол-
ди экан?

Фирма хизматидан Буюк
Британиянинг ҳамма тўқи-
мачилик фабрикалари фой-
даланишади. Улар ўзлари-
нинг жун газламалари на-
муналарини айнаи шу ерга
жўнатадилар. Брэдфордда
ишловчи мутахассислар эса
ўзларининг қанотли «қумак-
чилари» ёрдамида қандай
жун газламалар зарар
қўнади, аниқлаш, ҳуш
қўрилиши, махсулотни очо-
фат капалак қўригидан му-
ҳофаза этиш учун қандай
химикатлардан фойдаланиш
лозимлигини бехато айтиб
берадилар.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



ЎРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

15 ФЕВРАЛДАН 10 МАРТГАЧА



ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ ТОВАРЛАРИНИ ТАЙЕРЛОВЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
КООПЕРАТИВЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКОМИССИОНТОРГ»

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КООПЕРАТИВ-
ЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИ ТОВАРЛАР
ЕТКАЗИВ БЕРИШ ЮЗАСИДАН
ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШ УЧУН
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КООПЕРАТИВЛА-
РИ ВА ЯНКА ТАРТИБДАГИ МЕҲНАТ
БИЛАН ШУЎЛАНУВЧИ ГРАЖДАН-
ЛАРДАН ТОВАРЛАР ҚУЙИДАГИ ИХ-
ТИСОСЛАШГАН МАГАЗИНЛАР ОРҚА-
ЛИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ УЧУН ҚА-
БУЛ ҚИЛИНАДИ.

3-магазин — Олой бозори, телефон
34-29-99;
38/1-магазин — Фарҳод ярмаркаси, те-
лефон 78-60-85;

ТОВАРЛАР ШУНИНГДЕК, ҚУЙИДА-
ГИ КОМИССИОН МАГАЗИНЛАРИНИНГ

МАХСУС ТАШКИЛ ЭТИЛГАН СЕКЦИЯ-
ЛАРИДА СТОТИЛАДИ:

6-магазин — Халқлар дўстлиги кўчаси,
телефон 77-35-30;
8-магазин — Октябрь бозори, телефон
44-19-96;

23-магазин — Қорақамиш савдо марка-
зи, телефон 29-15-27;
42-магазин — Сергели савдо маркази,
телефон 57-00-58;

48-магазин — Лоҳути кўчаси, 23-уй,
телефон 33-06-40;
50-магазин — Хадра майдони, 23-уй, те-
лефон 44-10-73;

Шартнома тузиш учун қуйидаги адресга
муружаат этилсин: Тошкент шаҳри, 15,
2-Кафанов проезд, 16-уй. Телефон
56-56-15.

«ТАШКОМИССИОНТОРГ».

ҚУРҚАМ ГИЛАМ ВА ЮМШОҚ ПОЛОС КВАРТИРАНГИЗГА ШИНАМЛИК ВА ЧИРОЙ БАҒИШЛАЙДИ

Тоza жундан тўқилган ги-
ламнинг туқлари момикдек
майин ва пишқ, ўзига хос
мураккаб миллий нақшлари
қўзни қувонтиради, ёрқин
бўёқларига вақт ўз таъсири-
ни ўткази олмайди...

Қўлда тўқилган Хива ги-
ламларининг пишқ-пухта-
лиги ва қўрқамлиги сири
уларга жаҳоннинг кўпгина
мамлакатларида шухрат кел-
тирган. Хива гиламларини
харид қилишни сизга ҳам
маслаҳат берамиз.

Қўлда тўқилган қўлай ва
юмшққ полюс квартиран-
гизга шинамлик бағишлаб-
гина қўлмай, унинг замона-
вий кўйинишига бетақор
миллий руҳ бағишлайди.

Халқ манзарали санъати-
нинг чинакам асари бўлган
қўлда тўқилган Хива гилам-
лари ва полюслари республи-
ка Маҳаллий саноат ми-
нистрлиги гилам тўқиш нор-
хоналарининг чавр усталари
томонидан тайёрланади.

УЛАРИНИ УНИВЕРСАЛ
МАГАЗИНЛАРДАН ВА
ФИРМА МАГАЗИНЛАРИ-
ДАН СТОИВ ОЛИШ МУМ-
КИН.

«ЎЗМЕСТПРОМ» ИЛ-
МИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
БИРЛАШМАСИ.



«Союзторгпреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг
Ўзбекистон агентлиги.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА
ТЕАТРИДА — 12/II да кичик
экспериментал сахнада Она
қалби (17.00), Дон Кихот (19.00),
13/II да Борис Годунов.
ХАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА
ТЕАТРИДА 12/II да Токдир
эшиги, 13/II да Курорт.

Кино

12 ФЕВРАЛДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
Санъат саройи — «ОДИЛ
СУД» (катта зал, 16, 18.30,
20.45); «УНТА НЕГР БОЛАСИ»
(кичик зал, 17, 19.30).
Нукус — «УНТА НЕГР БО-
ЛАСИ» (16, 18.30, 20.45).
Москва — «ОДИЛ СУД»
(16, 18, 20.45).
Тошкент Советининг 50 йил-
лиги — «АРТИСТ» (16, 18.30,
21.00).

Дружба — «ОДИЛ СУД» (17,
18.20, 20.30).
Чайка — «УНТА НЕГР БО-
ЛАСИ» (16, 18.30, 21.00).
Искра — «КАПУЦИНЛАР
ХИБОНИДАГИ КИШИ» (16);
«ФЛЕЙТА УЧУН УНУТИЛГАН
КУЙ» (17.30, 20.00).

К. Ерматов номли — «ОШ-
КОР ЭТИЛМАСИН» (17, 19,
21.00).
Восток — «ТИМСОХ ДАНДИ»
(18.15, 21.00).
Қозғистон — «УНТА НЕГР
БОЛАСИ» (17, 18, 20.00); «ТОВ-
ЛАМАЧИ» (16.00).

13 ФЕВРАЛДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
Санъат саройи — «ОДИЛ
СУД» (катта зал, 11, 13.30, 16,
18.30, 20.45); «УНТА НЕГР БО-
ЛАСИ» (кичик зал, 12, 14.30,
17, 19.30).
Нукус — «ЕТИНЧИ УҚ» (11,
13.00); «УНТА НЕГР БОЛАСИ»
(16, 18.30, 20.45).
Москва — «ОДИЛ СУД» (11,
13.30, 16, 18, 20.45).

Тошкент Советининг 50 йил-
лиги — «АРТИСТ» (11, 13.30,
16, 18.30, 21.00).
Дружба — «ОДИЛ СУД»
(11, 12, 14, 15, 17, 18.20, 20.30).
Чайка — «УНТА НЕГР БО-
ЛАСИ» (11, 13.30, 16, 18.30,
21.00).

Искра — «КАПУЦИНЛАР
ХИБОНИДАГИ КИШИ» (11.45,
14, 16); «ФЛЕЙТА УЧУН УНУ-
ТИЛГАН КУЙ» (17.30, 20.00).
К. Ерматов номли — «ОШ-
КОР ЭТИЛМАСИН» (11, 13,
15, 17, 19, 21.00).
Восток — «ТИМСОХ ДАНДИ»
(11, 14.30, 18.15, 21.00).
Қозғистон — «УНТА НЕГР
БОЛАСИ» (12, 13, 17, 18, 20.00);
«ТОВАЛАМАЧИ» (11, 15, 16.00).

АВТОМАТ-ЖАВОБ БЕРУВЧИ
ТЕЛЕФОНЛАР:
Санъат саройи — 44-21-44,
44-21-34.
Чайка — 77-06-20.
Москва — 33-05-01.
Тошкент Советининг 50 йил-
лиги — 78-47-25.
Нукус — 46-70-69.
Дружба — 67-96-87.
К. Ерматов — 24-22-66.
Кинолаштириш бошқармаси
— 33-37-11.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ-
ДА — А. Аюпьян иштирокида
совет цирки усталарининг 2
бўлимадан иборат катта про-
граммаси (19.30 да).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХУ-
НАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ
ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ
ТОШКЕНТ ШАХРИДАГИ
21-ЎРТА ХУНАР ТЕХНИ-
КА БИЛИМ ЮРТИ
катта мастер
ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсга ҳисоблаш тех-
никаси бўйича олий маълум-
отли ёки ҳисоблаш қурил-
маларида иш тажрибасига
эга бўлган ўрта махсус маълумотли мутахассислар так-
лиф қилинади.

Конкурс муддати — эъ-
лон қилган кундан бошлаб
бир ҳафта.

Муружаат учун адрес:
700084, Тошкент шаҳри,
Хушуд кўчаси, 45-уй. Те-
лефон: 34-55-22, 34-55-51.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ!

Юқори вольтли электр линияси рекон-
струкция қилиниши муносабати билан А.
Дониш ва Муродов кўчалари чорраҳасида

14 ФЕВРАЛДА

БАРЧА ТУРДАГИ ТРАНСПОРТ
ҲАРАКАТИ ТУХТАТИЛАДИ

А. Дониш кўчасининг Энгельс кўчаси-
дан Муродов кўчасигача бўлган қисмида
ва Муродов кўчасининг А. Дониш кўчаси-
дан Високоволь кўчасигача бўлган қис-
мида транспорт ҳаракати бир йўналишда
ташқил этилади.

609, 729, 83, 82, 91, 96, 97, 186, 490,
112-автобусларнинг маршрутлари Энгельс
кўчасидан «Универсам» дан бошлаб Чим-
кент тракти, қалқа йўл, А. Дониш, Зоҳи-
дов кўчалари бўйлаб ва у ёғига маршрут
бўйича ташқил этилади;

8-трамвай маршрути — «Кўкча—Вокзал»,
таксилар ҳаракати — Энгельс кўчаси-
дан бошлаб Гвардейский, Муродов, Високо-
воль кўчалари, Энгельс кўчасидан Гвар-
дейский, Муродов, Високоволь кўчалари
бўйлаб, сўнгра маршрут бўйича ташқил
этилади.

* * *

«Бўзсув» ариги кўпригидан Х. Ғофуров
кўчасигача бўлган участкада юқори вольт-
ли электр линияси қурилиши муносабати
билан

15 ФЕВРАЛЬ ВА 5, 6, 9 МАРТДА

Улуғбек ва генерал Узоқов кўчалари
бўйлаб барча турдаги транспорт ҳаракати

ТУХТАТИЛАДИ

79, 649 автобус маршрутлари ва 14, 27-
маршрутли таксиларнинг ҳаракати Ҳамкор
кўчаси томонидан З. Саид кўчаси бўйлаб
Улуғбек кўчасигача ва қайтишда шу йўна-
лишда ташқил этилади;

15 ФЕВРАЛЬ ВА 5, 6 МАРТДА

35, 46, 53, 87, 95, 163, 190-автобус
маршрутларининг ҳаракати Решетов кўча-
си томонидан Уйғур кўчаси бўйлаб Улуғ-
бек кўчасигача, қайтишда ҳам шу йўна-
лишда ташқил этилади. Кўкча томондан
Уйғур кўчаси бўйлаб Аносов кўчасигача,
қайтишда ҳам шу йўналишда ташқил эти-
лади;

15 ФЕВРАЛЬ ВА 9 МАРТДА

649, 87-автобус маршрутлари ва 13, 14,
20, 27-маршрутли таксиларнинг ҳаракати
Беруний проспекти томонидан генерал

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ
ИДОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОЯ
КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

15 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ КИНОТЕАТРИДА
«ГРАЖДАН МУДОААСИ — УМУМХАЛҚ ИШИ»
ҲУҶЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР ТЕМАТИК КҮРГИНИ
ЎТКАЗАДИ

«ВЛКСМ 30 ИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА

15—17 февралда — Эҳтиёт бўлинг — кучли таъсир
этувчи заҳарли модда.

18—20 февралда — Ядро қуролининг зарар етказу-
чи омиллари.

ЛИСУНОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА

15—17 февралда — Ҳаракатни таъминловчи отряд
иш устида.

18—20 февралда — Уйларнинг ертўлаларини муҳофа-
за иншоотларига мослаштириш.

«ДРУЖБА» КИНОТЕАТРИДА

15—17 февралда — Зарар қўрганларни эвакуация қи-
лиш.

18—20 февралда — Оммавий фалокат ўчоқларида ўз-
ўзига ва ўзаро ёрдам бериш.

«НУКУС» КИНОТЕАТРИДА

15—17 февралда — Хусусий муҳофазанинг медицина
воситалари.

18—20 февралда — Аҳолини муҳофаза этиш асос-
лари.

«МОСКВА» КИНОТЕАТРИДА

15—17 февралда — Умумий иш манфаати йўлида.

18—20 февралда — Аралаш фалокат ўчоғида меди-
цина таъминоти.

«ҚОЗОҒИСТОН» КИНОТЕАТРИДА

15—17 февралда — Ҳарбий билимлар пропагандисти.

18—20 февралда — Аҳолини муҳофаза этиш асосла-
ри.

«ЧАЙКА» КИНОТЕАТРИДА

15—17 февралда — СНАВРни ташқил этиш бўйича
командирининг ҳаракати.

18—20 февралда — Аралаш фалокат ўчоғида меди-
цина таъминоти.

«ЎЗССР 25 ИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА

15—17 февралда — Эҳтиёт бўлинг — кучли таъсир
этувчи заҳарли модда.

Узоқов кўчаси бўйлаб Ғ. Ғофуров кўчаси-
гача, қайтишда ҳам шу йўналишда ташқилқил
этилади;

15 ФЕВРАЛДА, 29 ФЕВРАЛДАН 9

6 МАРТГАЧА ВА 9 МАРТДА

34- автобус маршрути ва 12-маршрут-
ли такси ҳаракати Аносов кўчасидан У. Уй-
ғур кўчаси, Беруний проспекти бўйлаб
Студентлар шаҳарчасига ва у ёғига мармарш
рут бўйича ташқил этилади.

15 ФЕВРАЛЬ ВА 6, 9 МАРТДА

8-трамвай маршрути — «Кўкча—Вокзал»,
17-трамвай маршрути «Ипподром — Беёв-
қайрағоч» оралигида қатнайди;

15 ФЕВРАЛДАН 28 ФЕВРАЛГАЧА, А.

5, 6 МАРТДА

90-автобус маршрутининг ҳаракати Ис Иса-
кян кўчаси томонидан Аносов, Уйғур, Бех-
зод, Қизил Гўнча, Аносов кўчалари
бўйлаб ва у ёғига маршрут бўйича ташқилқил
этилади;

62-автобус маршрутининг ҳаракати Қ. Қи-
зил Гўнча тупилган Аносов, Уйғур кўча-
лари бўйлаб ва у ёғига маршрут бўйича
ва қайтишда шу йўналишда ташқил этилила-
ди;

15 ФЕВРАЛЬ, 5, 6 МАРТДА

7-автобус маршрутининг ҳаракати Ис Иса-
кян кўчаси томонидан Аносов, Уйғур, Бех-
зод, Қизил Гўнча, Аносов кўчалари
бўйлаб ва у ёғига маршрут бўйича ҳаммада
қайтишда шу йўналишда ташқил этилади;

29 ФЕВРАЛДАН 4 МАРТГАЧА,

6, 9 МАРТДА

7-автобус маршрутининг ҳаракати А.Ано-
сов кўчасидан Уйғур, Дилкаш, З. Саид
кўчалари бўйлаб ва у ёғига маршрут б бўй-
ича ташқил этилади;